

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бакиров Тўлқинжон Юнусалиевич**

**ФУНДАМЕНТАЛ МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИК  
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstracts of Doctor of Philosophy (PhD) On  
Pedagogical Sciences**

**Бакиров Тўлқинжон Юнусалиевич**

Фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорлик асосида ўқитиш  
методикасини такомиллаштириш.....3

**Бакиров Тулқинжон Юнусалиевич**

Совершенствование методики преподавания фундаментальных  
математических дисциплин на основе взаимосвязи.....21

**Bakirov Tulkinjon Yunusaliyevich**

Improving the methodology of teaching fundamental mathematical disciplines  
based on the relationship.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бакиров Тўлқинжон Юнусалиевич**

**ФУНДАМЕНТАЛ МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИК  
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(математика)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ– 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1559 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тургунбаев Рискелди Мусаматович  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Джумабаев Давлатбой Халиллаевич  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор

Нажмиддинова Хилола Ёқубжановна  
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академияси қошидаги В.И.Романовский  
номидаги Математика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "11" Февраль куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712 -45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил "28" январ куни тарқатилди.

(2022 йил "28" январ даги 20 рақамли реестр баённомаси).

  
Ж.Э.Усаров  
илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., доцент  
Д.М.Махмудова  
илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Р.А.Эшчанов  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида математика таълимининг жамиятдаги аҳамияти математиканинг замонавий маданият элементи, ўсиб келаётган авлод интеллектининг ривожлантириш воситаси, давлатнинг XXI асрда рақобатбардошлик асоси – давлат ҳавфсизлиги элементи сифатида аниқланмоқда. Худди шу каби математика таълимининг мазмуни стратегик истиқболларга, унинг кўп қиррали татбиқларини кўра билиш ва қўллай олишга, математик моделларнинг замонавий жамиятдаги кенг татбиқларига йўналтириш зарурияти ҳамда уни замонавий фанлар мазмунига яқинлаштириш масалалари устиворлик касб этмоқда.

Дунёда сўнгги йилларда умумий ўрта таълим математика ўқув фани дастурларига математиканинг янги муҳим бўлимлари киритилиши, ўқувчиларнинг математик саводхонлигини ошириш (PISA, TIMSS дастурлари), уларнинг математикадан иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва академик ўзлаштириш даражаларини ҳамда ёшга боғлиқ имкониятларини ҳисобга олиб чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган таълим жараёнини самарали ташкил қила оладиган математика ўқитувчиларини тайёрлаш масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишни таъминлаш ва амалиётга татбиқ этиш, математика ўқитувчисинининг бўлғуси касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда математик компетенцияларини шакллантириш, математика фанларининг дифференциацияси ва интеграцияси шароитида талабаларда математика ҳақида яхлит тасаввурни ҳосил қилиш зарурлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлашда фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитиш, илғор ўқитиш методлари ва технологияларини татбиқ этиш, таълим жараёни методик тизимини ривожлантириш имкониятларини оширмоқда. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларнинг сифат таркибини босқичма-босқич ошириш, математика каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослашган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодларини тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу вазифалардан бўлажак математика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини, хусусан, олий таълимни замонавийлаштириш шароитида математик компетентлигини ривожлантириш учун фундаментал математика

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш тизими сифатида илмий асослаш, назарий ва амалий асосларини аниқлаштириш, унинг мазмуни, ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этиши келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли, 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сонли, 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олий таълим муассасаларида педагог кадрларни тайёрлашнинг методологик, психологик, педагогик, методик муаммоларини тадқиқ этиш ва самарали ечимларини топиш орқали таълим сифатини оширишга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, математика ўқитувчиларини тайёрлаш муаммосининг педагогик жиҳатлари А.А.Абдуқодиров, Т.Р.Толаганов, Г.В.Злоцкий, А.Абдирахмановлар томонидан, математика ўқитувчиларини инновацион тайёргарлиги Б.С.Абдуллаева томонидан, математика фанларини касбга йўналтириб ўқитиш масалалари Д.Юнусова, Р.Тургунбаевлар томонидан, методик тайёргарлиги масалалари М.Баракаев, М.Тожиевлар томонидан ўрганилган. МДХ давлатларида В.И.Горбачев, Ю.М.Колягин, Г.Л.Луканкин, А.Г.Мордкович, Г.И.Саранцев, В.А.Тестов, Г.Г.Хамов, Л.В.Шкериналар томонидан бўлғуси математика ўқитувчиларини турли математик фанларни бўлғуси касбий фаолият хусусиятларига боғлиқ ҳолда тайёрлаш муаммолари ҳақида, ривожланган хориж давлатларида J.Ferrini-Mundy, V.Findell, A.Baki, O.N.Kwon, Н.Д.Манлар томонидан математика ўқитувчисининг математик тайёргарлиги муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Олий таълимда математикага боғлиқ фанлараро алоқаларга оид бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Д.И.Юнусова, Ж.Б.Эргашев, Е.А.Перминов, Т.И.Кушнир тадқиқотлари математиканинг бошқа фанлар билан ва математика фанларининг ўзаро алоқадорлигига

бағишланган илмий изланишлар ҳисобланади. Юқоридаги тадқиқот ишлари таҳлилида бўлғуси математика ўқитувчисининг математик тайёргарлиги сифатини ошириш, математика фанларини ўқитиш методикасини талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан боғлаб ўқитиш самарадорлигини оширишнинг турли вариантлари таклиф этилган бўлса ҳам, талабаларда математика фани ҳақида яхлит тасаввурни ҳосил қилиш учун фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш орқали математик тафаккурини, компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тизимли таҳлил қилинмаган. Бу эса фундаментал математика фанларини ўқитишда фанларнинг ўзаро алоқадорлигидан фойдаланиш масаласини атрофлича тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁФ-1-04 «Ўқувчиларнинг таълим олишига этник хусусиятларини ҳисобга олиб педагогик-психологик ёндашув» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий педагогик таълимни замонавийлаштириш шароитида фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълимни замонавийлаштириш шароитида математикани фанлараро алоқадорликда ўқитиш тизими сифатида илмий асослаш;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш жараёни мазмунини аниқлаш методикаларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш орқали талабаларнинг математик компетенцияларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишни таъминлашда дидактик илгарилаш ғояси, бинар лойиҳалар методларидан фойдаланиб, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 5110100-математика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишида математика фанларини ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** алгебра ва сонлар назарияси, геометрия ҳамда математик анализ фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг мазмуни, методи, воситалари ва шакллари.

**Тадқиқотнинг методлари.** Тадқиқотда фалсафий, психологик, педагогик, ўқув-методик адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар, ўқитиш шакллари, воситалари таҳлили; профессор-ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиш, педагогик моделлаштириш; сўровнома ва тестлар ўтказиш; умумлаштириш, таққослаш, тизимлаштириш; педагогик тажриба-синов; математик статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг интегратив-дидактик жиҳатлари тизимли, синергетик, компетенциявий каби ёндашувларни узвийлик, барқарорлик, индивидуаллаштириш, модуллилик, объективлик тамойиллари билан таксономик мақсадларга эришиш даражаси идентивлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг дидактик тизими фанлараро ички интеграциянинг шахсий-мотивацион, когнитив, креатив-фаолиятли, рефлексив компонентларини концептуал таълимнинг чизма-тасвирий фаолият турини мантиқий, реляцион, семантик тармоқ, продукцион, фрейм моделлари билан структуравийлик имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорлик асосида ўқитишнинг яхлитлигини таъминлаш методикаси кўرғазмали-моделли ўқитиш технологиясини математик билимларни ўзлаштириш жараёнини мақсадни (назарий, амалий, методик модуль) белгилаш, яхлит математик объектни моделини тасаввур қилиш, белгили-рамзий воситаларни қўллаш, перцептив образ ва тасаввурларни ҳосил қилиш, априор модел адекватлиги кўринишида лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг технологик, методик шартлари талабаларда математик объектларни адекват ифода этишнинг сенсор-перцептив механизмларига хос фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, мнемик усуллар, дифференциация, мустақил таълим, рефлексияга асосланган мнемик-перцептив алоқаларни қатъий ўрнатиш алгоритминини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг дидактик тизими фанлараро ички интеграциянинг шахсий-мотивацион, когнитив, креатив-фаолиятли, рефлексив компонентларини концептуал таълимнинг чизма-тасвирий фаолият турини мантиқий, реляцион, семантик тармоқ, продукцион, фрейм моделларига асосланган кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорлик асосида ўқитишнинг яхлитлигини таъминлаш методикаси кўрғазмали-моделли ўқитиш технологиясини математик билимларни ўзлаштириш жараёнини мақсадни белгилаш, яхлит математик объектни моделини тасаввур қилиш, белгили-рамзий воситаларни қўллаш, перцептив образ ва тасаввурларни ҳосил қилиш, априор модел адекватлиги кўринишида лойиҳалаш бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг технологик, методик шартлари талабаларда математик объектларни адекват ифода этишнинг сенсор-перцептив механизмларига хос фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, мнемик усуллар, дифференциация, мустақил таълим, рефлексияга асосланган мнемик-перцептив алоқаларни қатъий ўрнатиш алгоритми, бинар лойиҳалар ишлаб чиқиш, амалиётда фойдаланиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



5110100-математика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун “Математик анализ (қаторлар назарияси)”, “Математик анализ (кўп ўзгарувчили функциянинг дифференциал ва интеграл ҳисоби)”, “Математик анализ (Дифференциал тенгламалар)” номли ўқув қўлланмалар ва “Кўрсаткичли ва тригонометрик функцияларни киритиш усуллари”, “Функционал анализдан амалий машғулотлар”, “Жуфт кетма-кетликлар ёрдамида геометрик катталикларни ўлчаш” номли методик қўлланмалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик методлар воситасида асослангани, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-методик муаммонинг тадқиқотда қўйилган вазифалар даражасида ҳал қилинганлиги, шунингдек, ўқитиш жараёнида унинг аҳамияти ва зарурияти очиқ берилганлиги ҳамда тадқиқотда илгари сурилган дидактик илгарилаш ҳамда бинар лойиҳалар ғояларидан математика ўқитиш методикаси бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти математика фанларини ўқитишда такрорланадиган тушунчалар, мавзуларидаги ўқув элементларини ўзлаштириш даражалари ва абстрактлик поғоналарини аниқ белгилаш ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган ўқув материаллари ҳамда адабиётларини яратишда, ўзаро алоқадорликда ўқитиш орқали бошқа компетенцияларни шакллантиришда, умумқасбий ва ихтисослик туркумдаги фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитишда хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак математика ўқитувчиларига фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишни такомиллаштириш бўйича илмий натижалари асосида:

бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг интегратив-дидактик жиҳатлари тизимли, синергетик, компетенциявий каби ёндашувларни узвийлик, барқарорлик, индивидуаллаштириш, модуллилиқ, объективлик тамойиллари билан таксономик мақсадларга эришиш даражаси идентивлигини таъминлаш орқали аниқлаштиришга доир таклифлар “Математик анализ (Дифференциал тенгламалар)” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи, 359-021-рақамли гувоҳнома). Натижада, педагогик олий таълимда математика ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг дидактик тизимини фанлараро ички интеграциянинг шахсий-мотивацион, когнитив, креатив-фаолиятли, рефлексив компонентларини концептуал таълимнинг чизма-тасвирий фаолият турини мантикий, реляцион, семантик тармоқ, продукцион, фрейм моделлари билан структуравийлик имкониятини кенгайтириш асосида фундаментал математика фанларини мазкур жараён яхлитлигини таъминлаш методикасини кўргазмали-моделли ўқитиш технологиясини математик билимларни ўзлаштириш жараёнини мақсадни белгилаш, яхлит математик объектни моделини тасаввур қилиш, белгили-рамзий воситаларни қўллаш, перцептив образ ва тасаввурларни ҳосил қилиш, априор модел адекватлиги кўринишида лойиҳалаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар “Математик анализ (кўп ўзгарувчили функциянинг дифференциал ва интеграл ҳисоби)” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сонли буйруғи, 654-183-рақамли гувоҳнома). Натижада, фундаментал математика фанларини ўқитишнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг технологик, методик шартларини талабаларда математик объектларни адекват ифода этишнинг сенсор-перцептив механизмларига хос фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, мнемик усуллар, дифференциация, мустақил таълим, рефлексияга асосланган мнемик-перцептив алоқаларни қатъий ўрнатиш алгоритминини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар “Математик анализ (қаторлар назарияси)” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сонли буйруғи, 133-11-рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак математика ўқитувчиларини кўргазмали-моделли таълим технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та республика ҳамда 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари жами 26 номдаги илмий ишларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда, 2 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлғуси математика ўқитувчиларига фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишда узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тушунчаларининг моҳияти, талабаларнинг математик компетенцияларини шакллантиришда ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг аҳамияти ҳамда турли фанларда такрорланадиган тушунчаларни шакллантиришда тезаурусли ёндашувнинг татбиқи, фундаментал математика фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитиш натижасида шаклланадиган компетенциялар баён қилинган.

Математика туркумидаги фанларни ўқитишда фанлараро алоқалардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланса ҳам, уни самарали ташкил этиш бўйича олиб борилаётган методик ишларнинг, ёш ўқитувчилар учун махсус методик кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги тадқиқот жараёнида маълум бўлди. Д.И.Юнусованинг монографиясида фанлараро алоқадорлик бўлғуси умумий ҳолда математика ўқитувчиларини тайёрлаш нуқтаи назардан қаралган. Математик анализ, геометрия ҳамда алгебра ва сонлар назарияси фанларига оид умумий тушунчалар борлиги, уларнинг умумий хоссалари ҳамда шу фанга хос хусусиятларга эга эканлиги таъкидланган ва фанлараро алоқаларни ўрнатиш схемаси таклиф қилинган. Ж.Б.Эргашевнинг диссертациясида математика фанлари, информатика ва ахборот технологиялари курсларини интеграциялашнинг таркибий асослари, бўлажак математика ўқитувчилари касбий тайёргарлиги мазмунини компьютерли математик тизимлар асосида такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган. Е.А.Перминовнинг докторлик диссертациясида бўлғуси математика ва информатика ўқитувчилари ҳамда муҳандис-педагогларни тайёрлашда дискрет математика, математика ва информатиканинг уларга турдош табиий ва касбий фанлар билан фанлараро алоқадорликни амалга оширишдаги интеграцион потенциали ва ундан таълим самарадорлигини оширишда фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. Т.И.Кушнир тадқиқотларида университетларда “Математик анализ” фанининг “Дифференциал геометрия ва топология” фанини ўқитишдаги ўрни ва аҳамияти, математика фани ўқитувчиларининг фанлараро алоқадорликдан фойдаланишни билиши муҳимлиги, фанлараро алоқадорликда курс иши мавзуларини шакллантиришнинг самарали бўлиши таъкидланган.

Тадқиқотда фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш учун математик билимлар ривожланишида узвийликнинг намоён бўлиш шакллари ажратилди. Узвийликнинг намоён бўлиши хилма-хил бўлиб, келтирилган шаклларни яна тўлдириш мумкин ҳамда узвийлик тамойили битта ўқув фани чегарасидан чиқиб, бошқа турдош ўқув фанларини қамраб олиши, яъни фан ичидаги узвий алоқалар масаласи фанлараро алоқалар муаммосига айланиши келиб чиқади.

Математик анализ, геометрия ҳамда алгебра ва сонлар назарияси фанлари орасидаги алоқаларни аниқлаш мақсадида бу фанларнинг ишчи фан дастурлари таҳлил қилинди, бунда битта фандаги модулнинг ўрганиш вақти ва унинг билан алоқадорликда бўлган фанлар модуллари, уларни ўқитиш вақти аниқланди. Модулларни ўқитиш вақти ҳамда уларнинг мазмунини таҳлил қилган ҳолда алоқа тури (хронологик ва мазмун жиҳатдан), шунингдек, фанлараро алоқани амалга ошириш мазмуни аниқлаштирилди.

Таълимий нуқтаи назардан ўқитишни мутахассис тезаурусининг ташкил топиши ва ривожланиши, деб таърифлашга имкон беради. Одатда мутахассис тезауруси деганда инсон томонидан ўзлаштирилган унинг билимлари, кўникмалари, тажрибалари, маълум шартлар таъсирида мос предмет соҳасига берган баҳолари захирасини ташкил қилувчи ўқув фани тезауруси тушунилади.

Ўқув адабиётлари ва дастурларнинг назарий таҳлили асосида ҳамда тажриба-синов ишлари, таққосламали-тезаурусли методдан фойдаланиб, фанларда такрорланадиган ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси ҳамда ўқув элементларини баён қилиш абстракция поғоналари тавсифланган.

Математик компетенциянинг структураси ва мазмунини аниқлаш, унинг шаклланганлик мезонлари ва кўрсаткичларига доир тадқиқотлар бўйича ўтказилган таҳлиллардан математик компетенция тузилмасида когнитив (мазмун ташкил этувчиси, “нима?” деган саволга жавоб беради); праксиологик (операцион, “қандай?” деган саволга жавоб беради); аксиологик (мотивацион қадриятли, “нима учун?” деган саволга жавоб беради); рефлексив (ўзини ўзи баҳолаш, назорат) ташкил этувчилар мавжудлигини таъкидлашга имкон беради.

Тадқиқотда фундаментал математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш жараёнида шаклланадиган “Математик билимларни намоён қилиш, татбиқ этиш, танқидий баҳолаш ва тўлдириб бориш” компетенцияси шаклланганлик даражаси тавсифланган. Ушбу компетенция “асосий алгебраик структуралар” бўйича конкретлаштирилган, бу компетенцияни эгаллаш учун зарур бўлган асосий билимлар (мактаб математика курсининг асослари, алгебра ва сонлар назарияси, математик анализ, геометрия) аниқлаштирилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг методик асослари”** деб номланиб, талабаларни алгебраик структураларга ўқитишнинг мақсади ва мазмуни тавсифланган, тавсифланган мазмунни ўргатишда дидактик илгарилаш ғоясидан фойдаланиш методикаси ва бинар лойиҳалардан фойдаланиш баён қилинган.

Ўзида турли математик структураларни жамлаган объектлардан бири сифатида ҳақиқий сонлар системасини олиш мумкин. Тадқиқотда бўлғуси математика ўқитувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган интегратив билимлар ҳақиқий сонлар системаси мисолида очиб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:  $\langle \mathbb{R}, +, \cdot \rangle$  ҳақиқий сонлар системаси – бу  $\langle \mathbb{R}, + \rangle$  Абел гурппа;  $\langle \mathbb{R}^*, \cdot \rangle$  коммутатив гурппа ( $\mathbb{R}^* = \mathbb{R} \setminus \{0\}$ );  $\langle \mathbb{R}, +, \cdot \rangle$  майдон;  $\langle \mathbb{R}, +, \cdot, < \rangle$  узлуксиз тартибланган майдон. Бундан ташқари  $\langle \mathbb{R}, +, \cdot \rangle$  ҳақиқий сонлар системасининг турли моделлари: геометрик (1. Узлуксизлик хоссасига эга бўлган координаталар ўқидаги нуқталар; 2. Даврийлик хоссасига эга бўлган бирлик доирадаги нуқталар), арифметик (чексиз ўнли каср), алгебраик (рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетликлари тўпламининг эквивалентлик синфлари). Шунингдек,  $\mathbb{R}$  – ҳақиқий сонлар системасида фаолиятнинг асосий турлари (ҳақиқий сонни чексиз ўнли каср кўринишда ифодалаш, ҳақиқий сонлар тўпламидаги амаллар ва муносабатларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, ҳақиқий сонларнинг рационал сонлар билан яқинлашиши, элементар функцияларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, тенглама ва тенгсизликларни ечиш) ойдинлаштирилган.

Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишда дидактик илгарилаш ғоясининг моҳияти шундан иборатки, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятига келажакда ўзлаштириш (ўрганиш) манбаига айланадиган ахборот (ўқув материаллари) мақсадли киритилади. Дидактик илгарилашнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: таълимий истиқболларни белгилаш, олдиндан таништириш, дастлабки ўрганиш, пропедевтик олдиндан ўқитиш.

Математика фанларини ўқитишда, хусусан, “Алгебра ва сонлар назарияси” фани бўйича машғулотларда таълимий истиқболларни қўйишда модулларининг мантикий-маъноли модели, мазкур фан асосий структуравий элементларининг предмет ички ва фанлараро алоқалари, шунингдек, ўқув мавзуларининг (саволлар, таянч тушунчалар ва ҳоказо) структуравий-мантикий схемалари қўшимча методик восита бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишида ҳақиқий сонлар системасига оид структуравий-мантикий схема мисолида бу воситадан фойдаланиш методикаси очиб берилган. Мазкур методик схема ҳақиқий сонлар системасига бағишланган биринчи маърузада талабаларга таништирилади. Бунда талабалар ўзларига маълум саволларни ва яна нимани ўрганишлари кераклигини кўришлари мумкин. Шу билан бирга у талабалар олдида қисқа ва узок муддатли истиқболлар қўйиш имконини беради.

“Ҳақиқий сонлар системаси”ни ўқитиш мисолида дидактик илгарилаш ғоясидан фойдаланиш методикаси кўриб чиқилган. Математик анализ фанида “Ҳақиқий сонлар тўплами” мавзуси биринчи семестрнинг 1-3 ҳафталарида ўрганилади, бунда рационал сонлар тўпламининг кесими тушунчаси ёрдамида ҳақиқий сон тушунчаси киритилади, ҳақиқий сонлар тўпламининг зичлик, тартибланганлик, узлуксизлик хоссалари исботланади. Ҳақиқий сонлар устида арифметик амаллар кесимлар ёрдамида аниқлаш мумкинлиги ҳақида маълумот берилади, аммо асосланмайди. Ўқитувчи бу масала алгебра ва сонлар назарияси фанида “Ҳақиқий сонлар системаси” мавзусида ўрганилишини айтади (таълимий истиқболларни белгилаш).

“Кетма-кетлик ва унинг лимити” (3-7 ҳафталарда) модулида ўқитувчи талабаларга алгебра ва сонлар назариясида фойдаланиладиган рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетлик тушунчасини киритиш, бу кетма-кетликларнинг арифметик амалларга нисбатан ёпиқлиги масалаласини ўрганишни таклиф қилади (олдиндан таништириш).

Алгебра ва сонлар назарияси фанида “Алгебраик системалар” модулини ўрганиш даврида алгебраик системаларга мисол сифатида рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетликлари тўпламида аниқланган қўшиш, кўпайтириш, сонга кўпайтириш амалларига нисбатан системаларни ўрганиб бориш тавсия этилади (дастлабки ўрганиш). “Ҳақиқий сонлар системаси” мавзуси 15-20- ҳафталарда ўрганилади. Шу давргача талабалар рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетликлари тўплами қўшиш, кўпайтириш, сонга кўпайтириш амалларига нисбатан турли алгебраик системалар ташкил қилишини билиб олади (пропедевтик). “Ҳақиқий сонлар системаси” мавзусида бу система аксиоматик киритилади. Аксиоматик назариянинг қатъийлигини исботлаш учун ҳақиқий сонларнинг Кантор назариясидан фойдаланилади. Бу назарияда ҳақиқий сон рационал сонлар фундаментал кетма-кетликлари тўпламидаги эквивалентлик синфи сифатида аниқланади.

Кафедраларда лойиҳалар методи бўйича олиб борилаётган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, лойиҳалар методи кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тизимсиз қўлланилиб келинади. Фанлараро лойиҳалардан талабаларда интеграллашган билимларни ҳосил қилиш мақсадида фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Бизнинг мақсадимиз фанлараро алоқадорликдан фойдаланиб, талабаларда математика фанлари учун умумий бўлган ғоялар, тушунчалар, теоремалар ҳақида билим, улардан фойдаланиш тажрибасини шакллантиришдан иборат бўлганлиги сабабали, одатдаги лойиҳалардан фарқлироқ бинар лойиҳа тушунчасини киритамиз. Бунда камида иккита ўқув фани ўқитувчилари ва талабалар қатнашиб, бу фанлар учун умумий бўлган объектларни ўрганади, натижада интеграллашган билим, кўникма, малака, компетенциялар ҳосил қилинади. Тадқиқот ишида бинар лойиҳавий фаолиятни ташкиллаштириш шакллари типологиясини амалга ошириш асослари, бинар лойиҳаларнинг типлари, бинар лойиҳалар билан ишлаш босқичлари баён қилинган.

Бинар ўқув лойиҳа – талабалар ва фан ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкиллаштириш шакли, қўйилган умумий мақсадга эришишга йўналтирилган маълум кетма-кетликдаги ҳаракатлар тўплами, таълим олувчи учун муҳим бўлган конкрет муаммони мустақил ечиш усули, яқунланган натижавий маълумотлар кўринишида расмийлаштирилган маҳсулотдир.

Методологик ва назарий жиҳатдан ҳақиқий сонлар система элементи сифатида қаралади,  $R$  – ҳақиқий сонлар системаси – бу мураккаб ўзига хос бўлган математик объектдир.  $U$  каноник шаклда ўзаро боғланган турли хил моноструктуралар билан жиҳозланган.  $R$  – алгебраик структура (майдон), тартибланган (чизикли тартибланган тўплам) ҳамда топологик (метрик) фазодир. Тартиб – алгебраик маънода  $R$  узлуксиз чизикли тартибланган майдон, топологик – алгебраик маънода  $R$  алгебраик ёпиқ бўлмаган боғламли

локал компакт майдон сифатида тавсифланади. Мазмунли аксиомалаштиришда ҳақиқий сонларнинг ихтиёрий икки системаси изоморф бўлади (аксиоматик назариянинг категориялиги). Булар ҳақиқий сонларнинг ўзига хослигини ва уларни тавсифловчи аксиоматик системаларнинг адекватлигини билдиради.

“Ҳақиқий сонлар системаси” мавзусига оид (1. Ҳақиқий сонларнинг Дедекиндин назариясида ҳақиқий сонлар устида амаллар ва уларнинг хоссалари. 2. Ҳақиқий сонларнинг Кантор назарияси. 3. Ҳақиқий сонларнинг Вейерштрасс назарияси. 4. Тўпламнинг қуввати. Ҳақиқий сонлар тўпламининг қуввати. 5. Ораллиқлар ва уларнинг хоссалари. 6. Ҳақиқий сонлар системаси аксиоматикасини турлича қуриш) бинар лойиҳалар келтирилган.

Ҳақиқий сонларнинг Кантор назарияси номли бинар лойиҳанинг тавсифи тадқиқот ишида келтирилган. “Математик анализ” курсида “Кетма-кетликлар” модули бошланишида талабаларга ҳадлари фақат рационал сонлардан иборат кетма-кетликларни ўрганиб боришни таклиф қилинади. Кейин эса, ҳақиқий сонларнинг Кантор назарияси ҳақида маълумот бериб, лойиҳа билан таништирилади. Бу маълумотлар “Алгебра ва сонлар назарияси” фанининг “Алгебраик системалар” модули якунида керак бўлишини таъкидлаш ва шу даврга қадар лойиҳани тугатиш лозимлиги талабаларга тушунтирилади. Лойиҳани бажариш жараёнида талабалар “Математик анализ” курсида яқинлашувчи кетма-кетлик ва хоссалари, яқинлашувчи кетма-кетликлар устида амаллар, фундаментал кетма-кетлик тушунчалари билан танишади, аналогия ёрдамида рационал сонлар кетма-кетликларининг мос хоссаларини ўрганади. Талабалар рационал ҳадли фундаментал, лекин яқинлашувчи бўлмаган кетма-кетликлар мавжудлигини англаб етади. Рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетликлар тўпламида эквивалентлик муносабати аниқланади. Эквивалентлик синфларини, улар устида амалларни аниқлайди. Талабалар амалларнинг корректлигини ва хоссаларини ўқитувчи ёрдамида исботлайди. Натижада талабалар “Математик анализ” ҳамда “Алгебра ва сонлар назарияси” фанларида эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаракатга туширади, уларда математик компетенциялар ривожланиши содир бўлади. Лойиҳани бажариш муддатини назорат қилиш натижасида лойиҳа ҳимоясини “Алгебра ва сонлар назарияси” ўқув фанининг “Ҳақиқий сонлар системаси” мавзусида якунлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари (“Алгебра ва сонлар назарияси”, “Математик анализ” ҳамда “Геометрия” фанлари алоқадорлигида) қуйидаги мавзуларда бинар лойиҳалар яратиш мумкин: 1. Каср чизиқли функциялар группаси. 2. Группалар: геометрия ва математик анализда. 3. Эквивалентлик муносабати геометрия ва математик анализда. 4. Текисликда акслантиришлар ва каср чизиқли комплекс функция. 5. Элементар функцияларни аксиоматик таърифлаш. 6. Алгебранинг асосий теоремасини исботлаш.

Чизиқ тушунчаси мактаб математика курсида тўғри чизиқ, унинг кесмаси, айлана, бирор функциянинг графиги каби тасаввур қилинади, ўқувчиларга чизиқ ҳақида бевосита маълумот бериш режалаштирилмаган.

Математика ўқитувчиси бу тушунча ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чизик тушунчаси асосан “Геометрия” ва “Математик анализ” фанларини ўқитиш жараёнида ўрганилади. Бу ўқув фанларида алгебраик чизик, элементар чизик, содда эгри чизик, регуляр, силлиқ чизик, эгри чизик, параметрик кўринишда берилган чизик, бўлакли-силлиқ чизик, Жордан чизиги каби тушунчаларни ўқитиш шу фанларнинг мақсадларини ифодалайди. Диссертасия ишида бўлғуси математика ўқитувчиларида математиканинг фундаментал тушунчаларидан бири бўлган чизик ҳақидаги илмий тушунчаларни “Геометрия”, “Математик анализ” фанларини алоқадорликда ўқитиш орқали ривожлантириш методикаси ёритилган.

Талабаларда чизик ҳақида замонавий тушунчани ҳосил қилиш мақсадида “Математик анализ” ўқув фани дастурига “Узлуксиз чизиклар, тўғриланувчи чизиклар” мавзуси киритилиб, бунда чизик тушунчаси ҳақида қисқача тарихий маълумот, Жордан чизиги, Пеано чизиги, Кантор таърифи, Урисон таърифи, тўғриланувчи ёй ҳақида маълумотлар бериш режалаштирилган. Ушбу мавзунини ўқитишда талабаларнинг “Геометрия” фанида ҳамда “Математик анализ”нинг олдинги бўлимларида ўрганган билимлари тизимлаштирилади ва чуқурлаштирилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажрибани ташкиллаштириш ва унинг натижалари”** деб номланиб, бунда тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили ёритилган. Тажриба-синов ишлари 2016-2019 йилларда ўтказилган. Тажриба-синов ишлари тасдиқловчи (2016-2017 йй.), шакллантирувчи (2017-2018 йй.), яқунловчи (2018-2019 йй.) босқичлардан иборат.

Педагогик тадқиқот давомида тасдиқловчи тажриба-синов ўтказилди, бунда фанлараро алоқадорлик асосида ўқитиш зарурати кўрсатилди. Кейинги шакллантирувчи (ўргатувчи) ва (яқунловчи) назорат тажриба-синов ишлари таклиф этилаётган методиканинг самарали эканини кўрсатди. Тажриба-синов ишларида турли йилларда 770 нафар талаба, 27 нафар ўқитувчи қатнашди.

Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш орқали математик компетентликни самарали шакллантириш мезонлари қуйидагича белгиланди:

– математика предмет соҳасида талабаларда қадриятли мўлжалнинг ва математик билимларни ўзлаштириш ҳамда узатишга бўлган эҳтиёжнинг (мотивацион-қадриятли ташкил этувчиси) шаклланганлиги;

– талабаларнинг эгаллаган билимлари, кўникма ва малакаларини ўқиш ва иш фаолиятида татбиқ этишга тайёрлиги (мазмунли – процессуал ташкил этувчиси);

– талабада ўзини ўзи назорат қилиш, баҳолаш натижасида ўз билимлари ва кўникмаларини мустақил тузатишни амалга ошириш эҳтиёжининг шаклланганлиги (рефлексиф ташкил этувчиси).

Тажриба-синовни ўтказиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасаларида барча бошланғич кўрсаткичлар бўйича (математик билимлар даражаси, мотивацияси, рефлексияси) деярли бир хил бўлган иккитадан гуруҳлар ажратилди, улардан бири синов гуруҳлари (СГ), иккинчиси назорат гуруҳлари (НГ) деб белгиланди. НГда машғулотлар анъанавий усулда, СГда муаллифлик методикаси асосида олиб борилди.



Тажриба-синовда иштирок этган талабалар сони ҳақидаги маълумот:

ОТМ	2016-2017 ўқув йили		2017-2018 ўқув йили		2018-2019 ўқув йили		жами
	Синов гуруҳи	Назорат гуруҳи	Синов гуруҳи	Назорат гуруҳи	Синов гуруҳи	Назорат гуруҳи	
ФарДУ	23	25	25	24	48	47	192
НавДПИ	28	29	28	27	59	54	225
ҚўқонДПИ	25	23	24	24	46	45	187
НукусДПИ	20	21	22	21	40	42	166
Жами	96	98	99	96	193	188	770

